

## **“ОНА” ЛЕКСЕМАСИНИНГ “ФАРЗАНДЛАРНИ ДУНЁГА КЕЛТИРУВЧИ АЁЛ” МАЪНОСИНИ ИФОДАЛОВЧИ АТАМАЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДА**

**Бурхонова Д.И.**

Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси.

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада вертикаль чизиқ қариндошликка қарашли “фарзандларни дунёга келтирувчи аёл” маъноси ва унинг ифода воситалари тизимида инвариант лугавий бирлик саналувчи “она” сўзининг қариндошлик атамалари тизимида мансуб бошқа лугавий бирликлар билан супплетив муносабати ва унинг этимологияси ҳақида маълумот берилади.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Лугавий бирлик, фарзандларни дунёга келтирувчи аёл, лугат состави, инвариант лугавий бирлик, муқобил лугавий бирлик, супплетивлик, супплетив муносабат, гипоним(ик), этимология ва б.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье рассматривается план выразительных средств значения родитель женского пола “она”(“мать”) в узбекском языке, которое относится к плану содержания вертикальной линии родства; определяется его место в отношении других функционально-семантических эквивалентов в парадигме выразительных средств “родителя женского пола”, а также и этимология слова “она”*

***Ключевые слова и выражения:** Лексическая единица, “женщина, которая является одним из родителей детей”, словарный состав, инвариантная лексическая единица, функционально-семантический эквивалент, супплетивность, супплетивное отношение, гипонимический, этимология и др.*

### **ABSTRACT**

*The article considers the plan of expressive means of the meaning of the female parent “she” (“mother”) in the Uzbek language, which refers to the plan of the content of the vertical line of kinship; its place is determined in relation to other functional-semantic equivalents in the paradigm of expressive means of “female parent”, as well as the etymology of the word “she”*

***Key words and expressions:** Lexical unit, “a woman who is one of the parents of children”, vocabulary, invariant lexical unit, functional-semantic equivalent, suppletiveness, suppletive relation, hyponymic, etymology, etc.*

## КИРИШ

Жаҳоннинг барча халқлари тилларида “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъносини билдирувчи луғавий бирлик “фарзандни дунёга келтирувчи эркак” маъносининг зид муқобили бўлиб, тил луғат составининг фаол қатламига тегишли бўлади. М., *Қиз эрталаб туриб, дарров онасига разм солди.*(Ойбек, *Танланган асарлар*).

Лисоний жиҳатдан муҳим томони шундаки, деярли барча тилларда ҳам “она” тушунчасининг ифода плани мураккаб бўлиб, унинг парадигмаси бир неча луғавий бирликларни ўз ичига олади. “Фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъноси инвариант семантик бирлик сифатида туркий тилларда ҳам бир неча муқобил луғавий вариантлар воситасида ифодаланган. Чунончи, туркий ёзма манбаларда, жумладан, М.Қошғарийнинг машҳур “Девон-ул луғатит турк” асарида “*фарандни дунёга келтирувчи аёл*” маъносида *ана* (опа) сўзи ва унга “ла” кўшимчасини кўшиш билан ясалган *аналади* сўзи ҳақида маълумот учрайди [1, 19].

Шунингдек, мазкур қомусий манбада “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъносида араб тилидан ўзлашган *ума* сўзининг ишлатилганлиги ҳам айтилади [2, 303]. Бу сўзнинг бирлик шаклидаги *ум*, кўплик шаклидаги *уммахот* муқобиллари Алишер Навоий асарлари тилида ҳам учрайди [3, 624].

В.В. Радлов луғатида “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъносини ифодаловчи сўзлар сифатида *модар*, *мама*, *wawa* кабилар ҳам келтирилиб, улардан “мама” муқобилининг “она кўкраги, яъни эмчак” маъносида ҳам ишлатилиши алоҳида қайд этилади [4, 1975, 1911, 2048].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек тили ва унинг шеваларида “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъноси *она*, *эна*, *ойи*, *ая* // *оя*, *бува*, *диал. она* // *ана*, *оча* сингари бир қатор сўзлар ёрдамида ифодаланадики, уларнинг *она* муқобили адабий тил учун меърлашган инвариант, яъни доминант луғавий бирлик мақомида лисоний расмийлашган. Шунингдек, ушбу маънонинг ифода планига хос юқоридаги парадигма араб тилидан ўзлашган *волида*, форс -тожик тилидан ўзлашган *модар* сўзлари ҳисобига яна кенгаяди [5].

Ўзбек тилида *она* лексемаси кўп маъноли луғавий бирликдир. Бу лексема “*фарзандни дунёга келтирувчи аёл*” инвариант маъносидан ташқари, қуйидаги маъноларда ҳам қўлланади:

- а) “умуман фарзандли аёл”;

- б) “оила бошлиғи”, “тарбияловчи”;
- в) “аёллар исмига ҳурмат маъноси билан кўшилувчи аффиксоид”;
- г) “бола тукқан ҳайвон” ва б.

Ўзбек адабий тилида, юқорида ҳам айтилганидек, “она” лексемаси “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъносида расмийлашган бўлса-да, фарзандлар томонидан айна шу маънодаги шахсга нисбатан **ойи** лексемаси ишлатилади; бадий нутқда эса, бу маънода араб тилидан ўзлашган *волида* сўзи меъёрий луғавий бирлик ҳисобланади [6, 180].

Ўзбек тилининг кўпгина шеваларида “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъносида **ая** лексемаси ҳам ишлатиладики, у **она**, **эна** сўзлари билан бир маънодош парадигмани ҳосил қилади. Бу парадигма ўзбек тилининг кўпгина шеваларида ишлатилувчи **бува**, **ая**, **оя**, **оча** сингари лексемалар ҳисобига яна кенгайди: **она-эна-ая-оя-оча-бува**.

“Фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъносининг ифода планини ташкил этувчи парадигматик қаторнинг доминант луғавий бирлиги мақомидаги **она** лексемаси семантик қурилишида “жинсга хос фарқ” семаси нейтраллашган **бола** сўзи билан барқарор супплетив алоқада мазкур сўз билан гипонимлик (вертикаль чизиқ қариндошлик маъносига кўра) ва гетеронимик муносабатларга киришади: гетеронимик муносабат таъсирида “**она-бола**” жуфт сўзи ҳосил бўлади. Шунингдек, **она** лексемаси кучли ассоциация таъсирида **ота** сўзининг барқарор супплетив муқобили характерида мазкур сўз билан гетеронимик муносабатда биб, “**ота-она**” жуфт сўзининг постпозитив корреляти характерини касб этади.

“Она” лексемаси кучсиз ассоциация таъсирида **хола** (**она**, **хола**), **тоға** (**она**, **тоға**) сўзлари билан ҳам гипонимик характердаги супплетив муносабатда бўлади. Чунки **хола**, **тоға** сўзлари гипонимик муносабатга кўра **она** сўзи билан бир функционал-семантик микросистема дирасида бўлади.

**Она** сўзининг **ота** сўзи билан гетеронимик муносабатидан ташкил толувчи “**ота-она**” жуфт сўзи “фарзандларни дунёга келтирувчи шахслар” маъносидан ташқари, “оилани бошқарувчи икки жинсга хос шахслар”, яъни “**эр-хотин**” жуфт сўзи англатган маънони ҳам билдирадики, бу маъно билан мазкур луғавий бирликлар (**она**, **ота**) қариндошликни билдирувчи луғавий-маъновий майдон доирасидан четга чиқади, никоҳ билан боғлиқ шахслароаро ижтимоий яқинликни билдирувчи луғавий-мазмуний майдон ихтиёрига ўтади.

Энди бир неча сўз “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” инвариант маъносидаги “**она**” лексемасининг этимологияси ҳақида. Мазкур сўз

умумтуркий эмас, у қадимги лотин тилида “аёл”, яъни “хотин” маъносидаги *geny* сўзи билан этимологик боғлиликка эга. “Аёл” (“хотин”) маъноси гот тилида *gino*, *gens* сўзлари билан ифодаланадиги, бу сўзлар санскрит (қадимги ҳинд) тилидаги айни ана шу маъноларда ишлатилувчи *jani*, *gna* сўзларининг фонетик вариантларидир. Бу сўзлар “она” маъносида қадимги рус тилида *genna*, эски славян тилида *žena* (жена) сўзлари билан ҳам этимологик умумийликка эгадир. Ана шу далиллар асосида айтиш жоизки, ўзбек тилидаги “она” сўзининг фонетик муқобили бўлган “эна” умумбашарий луғавий бирлик сифатида юқорида айтилган санскрит, лотин, гот, эски славян, қадимги рус тилларида “она” маъносида ишлатилган юқоридаги сўзлар билан генетик умумийликка эга

Ўзбек тилидаги “фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъносининг ифода планида инвариант саналувчи “она” лексемасининг фонетик муқобили бўлган “эна” сўзининг юқоридаги тиллардаги шу маънони ифодаловчи луғавий бирликлар билан бир этимологик асосга эга эканлигини далилловчи лисоний шарт-шароитлар ҳам йўқ эмас, албатта.

“Эна” рус тилида “фарзандни дунёга келтиришда эркак кишига биологик жиҳатдан ҳамроҳлик қилувчи аёл” маъносидаги “жена” (бу сўз “гена” сўзи билан ўзакдош) сўзига фонетик жиҳатдан жуда яқин луғавий бирликдир. Чунки туркий тилларда *ж --- й* товуш алмашуви қонуний фонетик жараён ҳисобланади: *жена --- йэна*. Негаки ўзбек тилининг айрим шеваларида (масалан, Тожикистоннинг лақай ўзбеклари шеvasида, шунингдек, Конибодом туманининг Кўчкак қишлоқ шеvasида “эна” “йэна” шаклида талаффуз қилинади) “й” товушли сўзлар “ж” товушли сўзлар билан талаффуз қилинади: *йўқ - жўқ, юр - жур* каби.

Ўзбек тилида “фарзандларни дунёга келтирувчи аёл” маъносида расмийлашган “она” сўзининг “эна” муқобили гот, санскрит, эски славян, қадимги ва ҳозирги рус тилларидаги айни шу маънодаги юқорида келтирилган сўзлар билан муштарак этимологик манбага эга бўлгани учун, умумбашарий, яъни байналмилал характердаги луғавий бирлик ҳисобланади.

“Фарзандни дунёга келтирувчи аёл” маъноси форс-тожик тилига мансуб “*модар*” сўзи билан ҳам ифодаланадиги, бу сўз этимологик жиҳатдан қадимги ҳинд-оврупо тилида “эмизувчи” маъносида пайдо бўлган “*ma*” ўзагидан тарқалган *matur* (тожик тилида: *модар*) сўзи билан боғланади [7].

Айни ана шу фикрларга асосланган ҳолда, проф. А.Бердиалиев ҳам “она” (“эна”) сўзининг этимологияси ҳақида “Подшо”ликка чек қўйган “поччалар” (Хужанд: “Меърож”, 2017) илмий-оммабоп рисоласида қуйидагиларни ёзади:

“Эна (она) сўзининг маъноси шу сўз англатган тушунча (шахс, ҳайвон ва бошқалар)нинг вазифаси асосида вужудга келган. Бу вазифа туғиш ва тарбиялашдир. *Она сизир, она йилқи, она мушук* ибораларининг маъносига эътибор беринг-а”.

## ХУЛОСА

Мазкур сўзнинг рус тилидаги *жена* сўзи билан этимологик муштараклиги ҳақида олим яна шуларни ёзади: “...*эна* ва *жена* сўзларининг..ҳар иккиси ...грекча «*гена*»дан тарқалган. Унинг *эна* (айрим шеваларда *йена* дейилади) шакли туркий тиллар учун, *жена* шакли эса, славян тиллари учун хосланган”. А.Бердиалиев “*гена*” унсури билан боғлиқ яна қуйидагиларни қайд этади:

“*Эна (гена)* сўзи семантик таркибида «бошлиқ» маъноси ҳам мавжуд. Бу маъно *генерал* сўзида анчайин тиниқ ва кучли. Ҳарбий унвонни билдирувчи бу калима оддий аскардан полковниккача белган ҳарбий шахслар устидан бошчилик қилиш маъносини англатади.

*Эна* сўзида эса, фарзандларга нисбатан «ҳоким»лик маъноси мавжуд. Тарихдан маълумки, кишилиқ жамияти шаклланган илк даврда оилани, жамоани бошқариш аёллар-оналар зиммасида бўлган, у матриархал давр деб аталган. Эрларнинг яқка ҳукмронлиги (патриархал давр) кейин пайдо бўлган” [8].

## REFERENCES

1. Девону луғотит турк. Индекс. Тошкент, 1970.
2. Девону луғотит турк. Индекс. Тошкент, 1970.
3. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972.
4. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.IV. Ч.I. –С.-Пт., 1911.
5. Маҳмуд Қошғарий луғатида “фарзандни дунёга келтириб, вояга етказувчи аёл” маъносида “ака”, “аба” сўзлари ҳам ишлатилган . “Тунгус- манчжур тиллари қиёсий луғати”да (“Словарь тунгусо-манчжурских языков”) мазкур маънода “мэмэ”, “мамэнэ мэмэ > энэ” сўзларининг ишлатилганлиги қайд этилади.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. Ж.11. Москва, 1981.
7. Гухман М.М. Доиндоевропейские термины родства в германских языках // Памяти академика Н.Я. Марра. – М. – Л., 1978. –с.99.
8. Бердиалиев А. «Подшо”ликка чек қўйган “почча”лар. Сўзлар ҳаётидан лавҳалар. Хужанд: “Меърож”, 2017, 58-60 - б.